## Маънавият гулшани

# ЁШЛИК ВА НАФОСАТ КЎРИГИ

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод камолотига, уларнинг маънан етук ва жисмонан соғлом бўлиб voяга етишига, айниқса, иқтидорли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, истеъдодларини юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилларимизнинг «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили» деб номланганлиги ҳам ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.**



Юртимизнинг барча гўшаларида «Сен буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларда асосан мустақиллик билан тенгдош бўлган ўсмирлар, шунингдек, кўпгина соҳаларда самарали ютуқларни қўлга киритиб келаётган ижодкор ёшлар иштирок этмоқда. Айни кунларда шаҳримизнинг барча туманларида «Ёшлик илҳомлари» шиори остида ўтказилаётган ёш ижодкорлар анжумани ҳам шодиёна байрам тусини олмоқда.

Тошкент шаҳар ва Яккасарой тумани ҳокимликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёшлик илҳомлари» номли ёш ижодкорларнинг навбатдаги анжумани Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида чиройли тарзда ўтди. Байрамона безатилган сўлим ва хушманзара боққа кираверишда карнай-сурнай садолари янграб, ёшларни ёшлик, нафосат байрамига чорлади. Ёш иқтидорлар томонидан тайёрланган кўргазмалар намойиши иштирокчиларнинг эътиборини тортди. Саҳнада Тошкент эстрада цирк коллежи ўқувчиларининг концерт дастурлари, спорт рақслари, гимнастрада, акробатика ўйинлари, Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография коллежи ўқувчиларининг «Оммавий рақс», «Йигитлар» рақси, «Тантана» гуруҳи қатнашчиларининг ҳамда М.Давронова Г.Иргашева, Н.Раҳимқулова, Ф.Дархонбоев сингари ёш ҳамда таниқли эстрада хонандаларининг қувноқ қўшиқлари йиғилганлар қалбига бир олам завқ улашди. Дилтортар қўшиқлар, жозибали рақслар, қизиқарли, ранг-баранг дастурлар билан давом этган ёш ижодкорлар анжумани ёшларнинг ҳақиқий байрамига айланди. Тадбирда иштирок этган таниқли шоирлар ёшларга бағишланган шеърларидан намуналар ўқидилар. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, ёш қаламкашлар ўзларининг ижодий фаолиятлари, қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида гапириб, тенгдошлари билан мулоқотда бўлдилар.

Анжуманда ёш ижодкорларнинг фикр-ўйлари билан қизиқиб, суҳбатга чорладик.

— Бугунги тадбирда иштирок этаётганимдан жудаям хурсандман, — деди Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган махсус академик лицей ўқувчиси Тамилла Саримсоқова. — Бу йил севимли шоирамиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бу мен учун катта шараф. Мен озод ва обод мустақил юрт фарзанди эканимдан ғурурланаман. Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан ниҳоятда бахтиёрман. Ёш ижодкорлар анжумани бизларни яна ҳам илҳомлантирмоқда, самарали ижод қилишга, изланишга ундамоқда.

— Мен спортнинг таэквондо турига қизиқаман, — деди 127-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Насиба Умарова. — Мактабимиздаги спорт тўгарагига қатнашаман. Республикамизда ўтказилган спорт мусобақаларида қатнашиб, уч марта фахрли ўринларни қўлга киритдим. Яқинда Кореяда бўлиб ўтадиган спорт мусобақаларида ҳам қатнашадиган бўлдим.Бугунги тадбир менга жуда ёқди ва унутилмас таассурот қолдирди. Мамлакатимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлардан хурсандман. Биз ёшлар шундай имкониятлардан унумли фойдаланишимиз ва юртимизга муносиб фарзанд бўлиб етишишга астойдил ҳаракат қилишимиз керак.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

## Спорт янгиликлари

**Футбол бўйича мамлакат XX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларининг 7-тур баҳсларидан сўнг амалдаги чемпион «Бунёдкор» якка пешқадам бўлиб олди.**

# «БУНЁДКОР» — ЯККА ПЕШҚАДАМ

«Жар» стадионида Андижоннинг «Андижон» жамоаси билан куч синашган Миржалол Қосимов шогирдлари учрашув мобайнида меҳмонлардан яққол устунлик қилишди. Уюшган ҳолда ҳужумкор, тезкор ўйин намойиш этган майдон эгалари 3:1 ҳисобидаги муҳим ғалабага эришиб, турнир жадвалида 19 очко билан карвонбошилик қилишмоқда.

Яна бир етакчи жамоамиз «Пахтакор»дан бу сафар омад юз ўгирди. Муборакда «Машъал» меҳмони бўлган пахтакорчилар шиддатли курашлар остида муросасиз кечган беллашувда 0:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди ва муҳим уч очкодан маҳрум бўлишди.

Жорий йилги мавсумда ҳам совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилаётган «Насаф» жамоаси ушбу турда икки очко йўқотди. Бухорода кечган «Бухоро» — «Насаф» баҳсида томонлар 1:1 ҳисобидаги жанговар дурангга имзо чекишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Шўртан» — «Динамо» — 2:0, «Сўғдиёна» — «Нефтчи» — 0:2, «Навбаҳор» — «Олмалиқ» — 0:1, «Металлург» — «Қизилқум» — 3:1».

Мамлакат XX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларининг 8-тур беллашувлари 14,15,16 май кунлари бўлиб ўтади.

# ТАРКИБДА ЎЗГАРИШ БОР

**Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида 2012 йилда уюштириладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этишни ният қилган футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси турнирнинг саралаш босқичига жиддий ҳозирлик кўрмоқда.**

Айни кунларда Тошкентдаги «Динамо» стадионида ўқув-йиғин машғулотларига катта мураббийлар Марат Мифтахутдинов ва Тоҳир Копадзелар етакчилигида тайёрланаётган олимпиячиларимиз таркибида ўзгариш содир бўлди. Машғулотлар давомида жароҳат олган «Пахтакор» аъзоси Шерзод Каримов вақтинчалик таркибдан чиқди. Шерзоднинг ўрнини «Насаф» футболчиси Кенжа Тўраев эгаллади. Ўқув-йиғин машғулотларида 27 нафар футболчи иштирок этмоқда.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Саховат

# КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

**Яқинда Республика меҳнат ва уруш фаҳрийлари пансионатида байрам тадбири ташкил этилиб, отахону онахонларга яхши кайфият бағишлади.**

Маълумки, Истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан ривожланишнинг беш устувор йўналишига асосланган «ўзбек модели» ишлаб чиқилган. Унинг таркибидан ўрин олган кучли ижтимоий ҳимоя тизими мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ҳар бир йилга эзгу ном бериш, шу асосда махсус Давлат дастурлари қабул қилиниб, белгиланган чора-тадбирларнинг кўплаб амалий ишларда ўз аксини топиши анъанавий тус олган. Бу эзгу жараён давомида ижтимоий ҳимояга ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги барчага яхши маълум. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қарияларни қадрлаш, Меҳр-мурувват ва Ижтимоий ҳимоя йиллари эълон қилинишининг ўзи юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган улкан саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганлигини исботлайди.

Қадимдан меҳр-оқибат, ғамхўрлик, ўзаро ҳурмат, катталарга эътибор кўрсатиш, ожизларга ёрдам бериш фазилатлари халқимизнинг қон-қонига сингиб, миллий қадриятимизни шакллантириб келган. Айниқса кексаларни қадрлаш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш мамлакатимизда урфга айланган бўлиб, ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар қамровида ҳам бу масала алоҳида ўрин тутади.

Ана шундай эзгу ишларнинг узвий давоми сифатида ўтган йили биринчи марта Республика меҳнат ва уруш фахрийлари пансионатида 500 га яқин ёшлар ташаббуси билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида «Кўнгил кўнгилдан сув ичар» шиори остида хайрия акцияси ташкил этилган эди.

Ушбу шиор остида бу сафар ўтказилган тадбирга қайд этилган ташкилотлар қаторида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, Олмазор, Миробод ва Яккасарой туманлари ҳокимликлари, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки шаҳар бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Тошкент фармацевтика институти, «АВК Кавсар» МЧЖ ва «Зебинисо» МЧЖ, «Ўзвиносаноат» холдинг компанияси ҳомийлик қилди.

Тадбирда таниқли ёш хонандалар Ёдгор Мирзажонов ва Алишер Отажонов ижросидаги қўшиқларга «Тантана» гуруҳининг жажжи рақкосалари жўр бўлди, Тошкент маданият коллежи ўқувчиларидан иборат мусиқа гуруҳлари тароналари ҳам янгради, бошқа кўнгилочар дастурлар намойиш этилди.

Пансионатда яшовчи отахону онахонларга дастурхон ёзилиб, миллий таомлар, сумалак тортилди.

Албатта, бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад нуронийларимизни эъзозлаш, уларга яхши кайфият улашишдир.

**Рухсора ЭЛМУРАТОВА,**
**Элмурод ҚУРБОНОВ**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 25.03.2011 йилдаги № 10-1119/13367-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-даҳада жойлашган, умумий фойдали майдони 74,0 кв.м.дан иборат бўлган 4 қаватли уйнинг 1-қаватидаги 9-уй, 3-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бош. нархи – 75 000 000 сўм. Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 06.09.2010 йилдаги № 1-2571/10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Нигора 2-тор кўчасида жойлашган икки қаватли иккинчи қавати ўзбошимча қурилган умумий ер майдони 510 кв.м. бўлган 97-уй (уй-жой) қўйилмоқда, бош. нархи – 352 924 000 сўм.

Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 18.02.2011 йилдаги № 10-1015/21827-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник 4-40-уй манзилида жойлашган 148,0 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўкони биноси қўйилмоқда, бош. нархи – 62 500 000 сўм. Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 18.02.2011 йилдаги № 10-1015/21826-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник 4-40-38-уй манзилида жойлашган 44,0 кв.м.дан иборат бўлган қаҳвахона биноси қўйилмоқда, бош. нархи – 34 687 500 сўм.

Аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан 10.03.2011 йилдаги № 460/2011-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти Зангиота тумани, Ўзгариш қ.ф.й., Бобур кўчаси, 43-уйда жойлашган кўчмас мулк бино ва иншоотлари қўйилмоқда, бош. нархи – 287 000 000 сўм.

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган 18.10.2010 йилдаги №29008-сон ижро ҳужжат. асосан, 1996 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 В 7693 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 8 571 340 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 26 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 16 июнь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк»нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 № 000003.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани TSRO инспекцияси томонидан 2010 йил 25 августда реестр рақами №002123-07 бўлган ИНН 300996596 рақами билан рўйхатдан ўтган «MUKARRAMOY UNIVERSAL SERVIS» МЧЖ тугатилади.


# ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

***МУҲАББАТ ҲАҚИДА***

**Муҳаббат — қалб қуёши.**

**Муҳаббат келганда дунё равшанлашади.**

**Муҳаббат — жасорат берувчи омилдир.**

**Ишқли дил чаманзорга ўхшайди.**

**Эзгулик ишқдан туғилади.**

**Муҳаббатнинг жафоси — умрнинг зиёсидир.**

**Муҳаббат гавҳарини излаган ўзини уммонга ташлай олади.**

**Севгида зор бор, зўр йўқ.**

**Муҳаббат бор жойда муз юрак бўлмайди.**

**Муҳаббат учун расмий қонун йўқ, аммо виждон қонуни бор.**

**Ишқ гуллаганда, одамни гул тутиб турувчи қилади.**

**Муҳаббат енгилтакликка бегона.**

**Муҳаббат жиддий масала, ундан бахт ҳам топиш мумкин, бахтсизлик ҳам.**

**Муҳаббат мисни олтинга айлантира олади.**

**Муҳаббат алиф қадни ҳам дол қилиши мумкин.**

**Ҳар бир киши муҳаббатнинг ўлжаси ҳам, қурбони ҳам эмас, эгаси бўлиши керак.**

**Севги дил тўрини эгаллаганда, уни қувиб чиқариш қийин.**

**Севги кўнгил жойини алангалатувчи учқундир.**

**Зорсиз ва озорсиз севги бўлмайди.**

**Хато муҳаббат — жоннинг офати.**

**Муҳаббатнинг тор кўчаларида адашма!**

**Ҳижрон — муҳаббатнинг интиҳоси бўлса-да, унинг мактабидир.**

**Муҳаббатсиз қалб ҳувиллаган ҳовлидек.**

**Муҳаббат жароҳати битмайди.**

**Синалган севгининг йўли оқдир.**

**Муҳаббат — худди гулдек, у ўз ихтиёри билан очилади.**

**Муҳаббат вафоси билан, висоли ибоси билан.**

**Ҳамма нарсани баҳам кўриб бўлади, аммо муҳаббат ҳар кимнинг ўзиники.**

**(Давоми бор)**

## ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **3 май** куни ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18 даража иссиқ, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича **3 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-20 даража иссиқ, кундузи — 32-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **3 май** куни эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароитити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3958 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 506

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 22.10 12 ! 45